

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК ТОШ ДАВРИ ПАЛЕОГЕОГРАФИК ХОЛАТИ ХУСУСИДА

Қадамбаев Ш. - Абу Райхон Беруний номидаги
Урганч Давлат Университети тадқиқотчиси

Аннотация: Ўзбекистон геоиктисодий ҳудудлар илк тош даври палеогеографияси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Виноградов А.В, Итина М.А, Кесь А.С, Мамедов Э.Д, Авдусин Д.А, Кабиров Ж, Сагдуллаев А, Баратов П, Маматқулов М, Рафиқов А, Эшов Б.Ж, Одилов А.А, Ибрагимов Р.З, Жаҳон, Ўрта Осиё, Устюрт, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё, Зарафшон, Қуйи Амударё, Хоразм.

Аннотацион: В статье анализирован, палеогеографическая условия раннего палеолитического периода геоэкономического территория Узбекистана.

Ключевые слова: Виноградов А.В, Итина М.А, Кесь А.С, Мамедов Э.Д, Авдусин Д.А, Кабиров Ж, Сагдуллаев А, Баратов П, Маматкулов М, Рафиқов А, Эшов Б.Ж, Адилов А.А, Ибрагимов Р.З, Жахан, Средняя Азия, Устюрт, Ташкент, Фергана, Сурхондарье, Зарафшан, Низовья Амударьи, Хорезм.

Кириш.

Жаҳон ҳудудини географик қиёфаси ранг-баранг бўлган геоиктисодий минтақалардан иборатлиги палеотектоник ва палеогеографик жараёнларнинг бир неча маротаба такрорланиши натижаларидан иборат. Хар бир тарихий-географик минтақалар текислик ва тоғ, тоғ олди текислик, баландлик ва даштлари физик-географик манзарасида акс этган. Мана шундай минтақалардан бири Ўрта Осиё ҳудуди бўлиб, унинг марказида жойлашиб Европа ва Осиёни географик жихатидан бирлаштириб, ягона палеогеографик қиёфасини намоён қилган. Бундан палеогеографик манзарани акс эттирган Ўзбекистон ер юзаси тузилишини Тошкент, Фарғона, Сурхондарё, Зарафшон, Устюрт ва Қуйи Амударё тарихий-географик ҳудудлар акс эттирган, уларнинг географик ҳолати, экологияси табиий ресурслари захираси, одамзотнинг жойлашиши бир-бирини такрор қилмайди. Ўзбекистоннинг географик ўрни, одамзотнинг кундалик фаолиятларини олиб боришига, геоиктисодий ҳудудлар қулай бўлган. Шу жихатидан қўшни тоғли ҳудудларидан фарқланиш ҳолати яққол кузатилади. Заминда ўрнашган аҳолининг экин-тикинликни олиб боришига қулай бўлган текислик 71 % ни, ташкил қилади, унинг асосий қисми Сирдарё ва Амударё ўртасида жойлашган, унинг географик қиёфасини Қизилқум тасвир қилган.

Заминнинг 29 % тоғлар, баландлик, дашт , яйлов, сув хавзалари ташкил қилган. Мазкур ҳудудларнинг географик ҳолати, табиий ресурслари билан иқтисодий ривожланишида ўзига хос тарихий ўринга эга. Мазкур мақолада ватанимиз ҳудудида илк тош даври.

Натижалар: Ўзбекистон вилоятларида XX аср 30 йил ўрталаридан бошлаб, 90 йиллар ва мустақилликнинг 20 йил ўрталаридан турли номда археологик экспедиция гуруҳлар аجدодларимиз томонидан қолдириб кетилган манзилгоҳлар олиб борилган қазилмалар натижасида олинган ашёлар илмий таҳлил қилиниб, уни натижалари турли адабиётлар саҳифасида акс этган. Хоразм экспедиция ходимлари асарларида қайд қилинишича 4-3,5 млн йиллар Ўзбекистон текислик ҳудуди Устюрт, Хоразм, Зарафшоннинг ғарбий, Қизилқум текислик бўлган. [1.1974-Б 290-291]. Археология фани ютуқларига кўра, Ер тарихи 5 млрд йил бўлиб, у бирнеча геологик даврларга бўлинган, яъни архей, палеозой, мезозой ва кайназойларга бўлинган, улардан охири геологик давр Кайназой эраларга бўлинган. Кайназой эраси ўзига хос бўлган ўзгаришлари муҳим аҳамият касб этади, чунки ушбу эранинг тўртламчи босқичида одамзот бу дунёга қадам қўйган (3-3,5 млн йиллар). [2.1989-С 20. 3. 1990-Б 14].

Географик тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон тузилиши тоғи ва текисликлар билан бирга нотекис жойлашган дарёлар, улардан икки ён томонга йўналган ирмоқлар текислик гидрологик хусусиятини ҳосил қилган. Шу билан бирга табиат ходимаси бўлган қор ва ёмғир сувлари ботиқларни сув хавзаларини ҳосил қилган бу эса географик манзарасини ҳосил қилган.

Палеогеографик жихатидан ватанимиз ҳудуди палеогеографик ҳолатини тоғлар ва текисликлар ҳосил қилган, улар хилма-хил манзарага эга бўлганлар. Хусусан текислик ҳудудлар-Устюрт, Қуйи Амударё, Зарафшон водийси қуйи хавзаси Қизилқумнинг палеогеографик ҳолати нашрларда ўз маъносини топган. [4.1996-Б 157-127. 5. 2002-С.7-10].

Ўзбекистонда тарихий-географик ҳудудларда манзилгоҳларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, дастлабки одамзот илк тош даврида Фарғона водийсида Хайдаркон қишлоғи тизимида (Селенгур), Тошкент воҳасида (Кульбулоқ) манзилгоҳларида илк тош даври этник жараёнлар кечган. [6.2014-Б 33-34. 7. 2020-Б 14-19].

Мавзу бўйича қуйидаги хулосани қайд қилиш мумкин:

-Ўрта Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон замини геофизик қиёфаси палеотектоник ҳаракатларнинг бирнеча маротаба тарзда такрорланиши натижасида тоғли ва текислик бўлган. Икки ҳудуд географик ҳолати, табиий ресурслари, экологияси жихатидан бир-биридан фарқ қилса ҳам, одамзотнинг келиб жойлашиб табиат бурханлари ёввойи ҳужумкор ҳайвонлар қурилишига бардош бериб, илк касби-корларини олиб боришига тайёр ҳолда бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Виноградов А.В, Итина М.А, Кесь А.С, Мамедов Э.Д, Палеогеография обусловленность расселения древнего человека в пустынях Средней Азии //Первобытный человек, его материальная культура и природная среда в Плейстоцене и Голоцене-М:Наука, 1974.
- 2.Авдусин Д.А.Основы археологи-М:Высшая школа 1989.
- 3.Кабилов Ж, Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси-Тошкент: “Ўқитувчи”. 1990.
- 4.Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси- Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
- 5.Баратов П, Маматкулов М, Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси-Тошкент: 2002.
- 6.Эшов Б.Ж. Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи-Тошкент, 2014.
- 7.Ибрагимов Р.З. Ўрта Осиё археологияси-Тошкент, 2020.